

ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРДАН ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИГА БЕНЗИН, ДИЗЕЛЬ ЁҚИЛҒИСИ ВА ГАЗ ИШЛАТГАНЛИК УЧУН ОЛИНАДИГАН СОЛИҚ

Солиқ тўловчилар бўлиб, жисмоний шахсларга транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғиси ва газни чакана реализация қилишни амалга оширувчи юридик шахслар ҳисобланадилар.

Солиқ солиш объекти бўлиб, жисмоний шахсларга транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғиси ва газни чакана реализация қилиш ҳажми ҳисобланади.

Жисмоний шахсларга транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғиси ва газнинг натура ҳолидаги реализация қилинган ҳажми солиқ солинадиган базадир.

Солиқ даври микрофирмалар ва кичик корхоналар учун - йил чораги ва микрофирмалар ва кичик корхоналар жумласига кирмайдиган солиқ тўловчилар учун - бир ой.

Жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқнинг жорий ўн кунлик тўловлар ҳисобга олинган ҳолдаги ҳисоб-китоби ёқилғи қуйиш шохобчаси жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органларига:

микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан йилнинг ҳар чорагида, ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил яқунлари бўйича эса йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиладиган муддатда;

микрофирмалар ва кичик корхоналар жумласига кирмайдиган солиқ тўловчилар томонидан ҳар ойда ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил яқунлари бўйича эса йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиладиган муддатда тақдим этилади.

Жисмоний шахсларнинг транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқни тўлаш жисмоний шахсларга транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғиси ва газ чакана реализация қилинган ойнинг ўн кунлиги тугаганидан кейинги учинчи кунидан кечиктирмай, ёқилғи қуйиш шохобчаси жойлашган ерда ҳар ўн кунда амалга оширилади.